

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**БЕБУТОВА НАРГИЗА НАРЗУЛЛАЕВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ ИШЧИЛАРИ МАХСУС  
КИЙИМИНИНГ РАЦИОНАЛ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ТАДҚИҚ  
ҚИЛИШ ВА ЯРАТИШ**

**05.06.04-Тикувчилик буюмлари технологияси ва костюм дизайни**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

|   |    |
|---|----|
| <b>Бебутова Наргиза Нарзуллаевна</b><br>Ўзбекистон агросаноат комплекси ишчилари махсус кийимининг<br>рационал конструкциясини тадқиқ қилиш ва яратиш.....              | 3  |
| <b>Бебутова Наргиза Нарзуллаевна</b><br>Исследование и разработка рациональной конструкции<br>спецодежды для работников агропромышленного комплекса<br>Узбекистана..... | 23 |
| <b>Bebutova Nargiza Narzullayevna</b><br>Research and development of a rational design of overalls for<br>workers agro-industrial complex of Uzbekistan.....            | 43 |
| <b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b><br><b>Список опубликованных работ</b><br><b>List of published works.....</b>  | 46 |

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**БЕБУТОВА НАРГИЗА НАРЗУЛЛАЕВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ ИШЧИЛАРИ МАХСУС  
КИЙИМИНИНГ РАЦИОНАЛ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ТАДҚИҚ  
ҚИЛИШ ВА ЯРАТИШ**

**05.06.04-Тикувчилик буюмлари технологияси ва костюм дизайни**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида №В2019.2.PhD/T1192 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.titli.uz](http://www.titli.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Пулатова Сабохат Усмановна**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Абдукаримова Машхура Абдураимовна**  
техника фанлари доктори

**Исмаилова Раъно Музаффаровна**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган муҳандислик технология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.T.08.01 - рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «16» ноябрь соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжохон кўчаси – 5 уй, Тел:(+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08, факс: (+99871) 253-36-17; e-mail: [titlp\\_info@edu.uz](mailto:titlp_info@edu.uz), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (112 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжохон кўчаси 5, тел. (+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08.

Диссертация автореферати 2021 йил «02» ноябрь куни тарқатилди.  
(2021 йил «02» ноябрдаги 112 рақамли реестр баённомаси).



**И.К.Сабилов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

**А.З. Маматов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

**И.А.Набиева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котибидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзуси долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги вақтда дунёда кийим экспортининг 70% Европа Иттифоқи давлатлари, Америка Қўшма Штатлари, Жануби Корея, Туркия, Хитой мамлакатларига тўғри келади. Жаҳонда енгил саноат соҳасида замонавий илм-фан ва техника ютуқларидан самарали фойдаланишни назарда тутадиган инновацион технология ва техника воситаларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида сифатли енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга талаб юқори бўлиб, замонавий тикув маҳсулотларини сифатини ва рақобатбардошлигини ошириш, уларнинг ассортиментини кенгайтириш, махсус мўлжалланган кийимларни эргономик лойиҳалаш асосларини ишлаб чиқиш, уларни ишлаб чиқариш самарадорлигини ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда тикув буюмларини ишлаб чиқаришда технологик жараёнларнинг таъсир этадиган муҳим омилларини аниқлаган ҳолда, илмий асосланган техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, янги турдаги кийимларни яратиш, юқори сифатли рақобатбардош, эргономик талабларни инобатга олган ҳолда махсус кийимнинг рационал конструкциясини яратиш, илмий қонуниятлар асосида мустаҳкамлик ҳолатини сақлаган ҳолда, технологик параметрларини ўзаро боғланишларини ишлаб чиқиш, махсус кийим турларини кўпайтириш ва ишлаб чиқариш соҳаси учун сифат кўрсаткичлари тизимини такомиллаштиришни асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажминини ва маҳсулот турини кўпайтириш имконини берадиган технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017 йил 7 февралдаги 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...янги замонавий технологияларни олиб кириш билан бирга маҳаллий хомашёлардан самарали фойдаланиб, киймати қўшилган харидоргир маҳсулотлар яратиб миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш...»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, мамлакатимизнинг турли ишлаб чиқариш соҳалари ишчилари учун юқори сифатли гигиеник, эргономик ва эксплуатацион хоссаларга эга бўлган махсус кийимларни яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПҚ -5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сонли «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги ПФ-4947-сонли Фармони

чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мазкур тадқиқот билан боғлиқ адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, турли мақсадларга мўлжалланган кийимни лойиҳалашга тизимли ёндашув асосларини шакллантириш, «инсон-кийим-ташқи муҳит» тизимининг фаолият мезонлари ва тамойилларига мос маҳсулот ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш билан ҳорижда С.Mattmann, W.Nazaroff (АҚШ), Y.Maganga (Хорватия), F.Kim, H.Honglun, S.Sougian, P.Yunhe, Jiaqing Zhang, Liu Chi, R. Kennon, Y. Cui, W.Chang, Q.J. Jiang, H.Dai (Хитой), Leite da Silva, J.E.G. Santos (Бразилия), А.В. Вадковская, Р.Ф.Афанасьева, П.П. Кокеткин, З.С. Чубарова, И.В. Черунова, И.В. Куренова (Россия) ва бошқалар шуғулланишган.

Эргономик лойиҳалаш тамойилларига асосланган ҳолда турли соҳа ишчилари учун мўлжалланган махсус кийимларни ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар Z. Dragsevic, S.F. Rogale, O.Huck, В.Е. Романов, М.И.Сухарев, Е.Я.Сурженко, Г.А. Ганиева, Б.Р. Рыскулова, А.А.Изтаева, Н.Р.Фазилбаева ва бошқалар томонидан ўтказилган. Республикамизда Ўзбекистон иқлимий шароитлари учун махсус мўлжалланишдаги кийимларни лойиҳалаш бўйича тадқиқотлар Х.Х. Камилова, Ф.У.Нигматова, С.У. Пулатова, А.Б. Қосимова ва бошқалар томонидан бажарилган.

Мазкур тадқиқотлар натижасида инсонни экстремал ҳароратлардан ҳимоя қилишнинг оқилона яхлит тизимини яратишда муайян даражада ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинаётган бўлсада, аммо Ўзбекистон иқлимий шароитларини ва қишлоқ хўжалик ишчилари меҳнатининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда махсус кийимни лойиҳалаш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига муофиқ 33-19-сонли «Агросаноат мажмуаси ишчилари учун махсус кийимни рационал конструкциясини ишлаб чиқиш» мавзудаги хўжалик шартномаси асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** иқлимий шароитларга ҳамда агросаноат комплексида ишлайдиган қишлоқ хўжалиги ишчиларининг меҳнат шароитларига мос келадиган, эргономик нуқтаи назардан қулай махсус

кийимни рационал конструкциясини ҳамда самарали технологиясини ишлаб чиқиш ва асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

қишлоқ хўжалиги ишчиларининг меҳнат шароитлари таҳлили ва истеъмолчилар фикрини ўрганиш асосида махсус кийимга қўйиладиган талабларни шакллантириш;

махсус кийим деталларини бириктириш чокларида эксплуатацион юкламалар таъсирида рўй берадиган бузилишларни олдини олиш мақсадида деталлар ипли бирикмасини таранг ҳолатини математик моделлаштириш ва баҳолаш;

эргономик изланишлар ва реал меҳнат шароитларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишчилари махсус кийимининг рационал конструкциясини ва самарали ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш;

махсус кийим намуналарини реал ишлаб чиқариш шароитларида тажриба-синовлардан ўтказиш ва техник-иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида қишлоқ хўжалик ишчиларининг ёзги махсус кийими олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида маҳсулотни ҳаётий циклининг асосий босқичларини ўз ичига олган махсус кийимни тизимли лойиҳалаш методологияси олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун махсус кийимларни лойиҳалашга тизимли ёндошув методологияси, математик ва оптимизацион моделлаштириш усуллари, илмий тажрибани режалаштириш усуллари, эксперт баҳолаш усуллари, факторли таҳлил ҳамда тажриба натижаларини математик қайта ишлаш усуллари, материаллар хоссаларини аниқлашнинг стандарт усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

меҳнат жараёнида ишчилар ҳаракатларининг эркинлигини таъминлайдиган ва иссиқ иқлимий шароитларда кийим ости қатламини ҳаво алмашинувини рационал таъминлайдиган миллий анъаналар ҳамда замонавий талабларни ўзида мужассам этган «енг-ўмиз» конструктив тугунининг оптимал конструктив ечими яратилган;

махсус кийим сифатига таъсир этувчи ипли бириктирма чокларнинг юкламалар таъсирида бузилишининг таҳлили асосида махсус кийим деталлари чокларининг таранглиги ҳолатини баҳолаш боғланишлари ишлаб чиқилган;

эксплуатацион юкламалар таъсирида махсус кийим деталларининг ипли бирикмаларининг емирилишини таҳлил қилиш асосида тенг қувватли ипли бирикмалар боғланиши ишлаб чиқилган;

махсус кийимни эксплуатациялаш муддатини оширишга ёрдам берадиган мато ва ипли бирикманинг тенг қувватлигини таъминлашга асосланган самарали ишлов бериш технологияси бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон агросаноат мажмуаси қишлоқ хўжалиги ишчилари учун ёзги махсус кийим намуналари ишлаб чиқилган ва саноатга жорий этилган;

меҳнат жараёнида ишчилар ҳаракатларининг эркинлигини таъминлайдиган ва иссиқ иқлимий шароитларда кийим ости қатламини ҳаво алмашинувиға ёрдам берадиган «енг-ўмиз» конструктив тугунининг рационал конструктив ечими ишлаб чиқилган;

махсус кийимни ишончилигини ва эксплуатациялаш муддатини оширишга ёрдам берадиган самарали ишлаб чиқариш технологияси бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

импорт ўрнини босувчи маҳаллий хом-ашёлардан тайёрланган материалларни қўллаш ва конструкциянинг тежамкорлиги ҳисобига ресурс сарфини камайиши эвазига иқтисодий самарага эришилган.

**Т а д қ и қ о т н а т и ж а л а р и н и н г и ш о н ч л и л и г и .** Диссертацияда шакллантирилган илмий тамойиллар, хулосалар ва тавсияларнинг иш о н ч л и л и г и ва изчиллиги назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижалари, апробация ва жорий этишнинг ижобий натижалари, шунингдек, натижаларни таққослаш, маълум баҳолаш мезонларига кўра уларнинг адекватлиги, тадқиқотларининг ижобий натижаларини ва кўриб чиқиладиган мавзу бўйича маълумотларини қиёсий таҳлил қилиш билан асосланади.

**Т а д қ и қ о т н а т и ж а л а р и н и н г и л м и й в а а м а л и й а ҳ а м и я т и .** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иссиқ иқлимий шароитлар учун мўлжалланган махсус кийимнинг рационал конструкцияси ва самарали ишлаб чиқариш технологиясини яратиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот натижасида қишлоқ хўжалиги ишчиларининг меҳнат шароитларининг яхшиланиши, меҳнат унумдорлигининг ошиши, махсус кийимни ишончилиги ва унинг эксплуатациялаш даври ошиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:** Агросаноат мажмуасининг қишлоқ хўжалиги ишчилари учун махсус кийимларнинг рационал конструкцияси ва самарали ишлаб чиқариш технологиясини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

қишлоқ хўжалиги ишчилари учун махсус кийимга Интеллектуал мулк агентлигининг саноат намунасиға патенти олинган («Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ишчилари учун махсус кийим» № SAP 01949 28.11.2019 й). Натижада агросаноат ишчиларининг меҳнат шароитлари яхшиланади, меҳнат жараёнида ишчиларга, эргономик нуқтаи назардан, яхши қулайлик яратади, махсус кийимнинг ишончилиги ошади ва унинг эксплуатациялаш даври ортади;


таклиф этиладиган қишлоқ хўжалиги ишчилари учун яратилган махсус кийим комплеклари ва уларнинг конструкторлик-техник ҳужжатлар пакети «Ўзтўқимачиликсаноат» Ассоциацияси тасарруфидаги тикувчилик корхоналарида, шу жумладан, «AL-NAKIM PLUS» МЧЖ, «SHOFIRKON EKVATORIAL TEKS» МЧЖ, «OKEAN-LYUKS» МЧЖ (Бухоро вилояти) ва





кўрсатувчи зарарли ишлаб чиқариш таъсирлари эътиборга олинмаганлиги аниқланди. Шунинг учун, маҳаллий матолардан қишлоқ хўжалиги ишчилари учун юқори сифатли махсус кийимларини ишлаб чиқиш мазкур ишнинг асосий мақсадини белгилади.


Диссертациянинг «Эксплуатацион юкламалар таъсирида махсус кийим деталлари чоклари кучланганлик ҳолатини математик моделини яратиш» деб номланган иккинчи бобида ёзги махсус кийим учун мўлжалланган материалларнинг гигиеник ва физик-механик хоссаларини тадқиқ қилиш бўйича «CentexUZ» синов лабораториясида ўтказилган тажриба-синов натижалари келтирилган.



Ўтказилган тадқиқотлар натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, қалинлиги 0,5 мм гача бўлган матолардан фойдаланиш ҳавоўтказувчанлик кўрсаткичларини камайтирмайди, уларнинг гигроскопиклиги эса сезиларли даражада ошади.

Тадқиқотлар натижасида қишлоқ хўжалиги ишчилари махсус кийими учун Бухоро шаҳри «AL-NAKIM PLUS» МЧЖ корхонасида ишлаб чиқариладиган 80%-пахта ва 20%-полиэфир толаларидан ташкил топган «Мультикам» номли матоси танланди, чунки ушбу мато маҳаллий хомашёлардан тайёрланган, арзон туради, яхши гигиеник ва эксплуатацион хоссалари билан характерланади.

Махсус кийим сифатига таъсир этувчи ипли бириктирма чокларнинг юкланишлар таъсирида узилишининг таҳлили асосида махсус кийим деталлари чокларининг таранглик ҳолатини баҳолашнинг математик модели ишлаб чиқилган. Кийим деталларининг ипли бирикмаларининг мустаҳкамлик моделини таҳлили асосида тикилаётган материалларнинг мустаҳкамлиги ҳосил бўлган чокдаги ипларнинг мустаҳкамлигига боғлиқлиги, ташқи юклама таъсири чокдаги ипларнинг узилишига сабаб бўлиши қайд этилган.



**5-расм. Бир чокли ипли бириктирма чокларда кучланиш натижасида узилиш схемаси**

Ишда кўриб чиқилган ипли бирикма чок тури учун матонинг ва ипли бирикма чок ҳолатининг тенг мустаҳкамлик шарти математик моделлари тузилган бўлиб, улар иш вақтида матонинг емирилишини ва кийим деталларининг чокларининг мустаҳкамлигини аниқлашга асосланган.

Мато учун мустаҳкамлик шарти:

$$\sigma = \frac{F}{b\delta} \leq \sigma_0 \quad (1)$$

ёки, тикув шаклланиши пайтида пайдо бўлган тешиқлар туфайли материалнинг узилишларини ҳисобга олган ҳолда:

$$\sigma = \frac{F}{(b - nd)\delta} \leq \sigma_p \quad (2)$$

бунда:  $\sigma$  -оддий кучланишнинг ҳисобланган қиймати, Н/ мм<sup>2</sup>;

F-матонинг энг юқори тортишиш кучи, Н/ мм<sup>2</sup>;

b –ип уланишининг кўриб чиқилган қисмининг кенглиги, мм;

n -қавиқлар сони;


d -ипнинг диаметри, мм;

b -мато қалинлиги, мм;

$\delta$  -ип қалинлиги,мм.


$$d = \frac{4n + 4\sqrt{n^2\delta^2 + \pi \cdot n\delta b}}{2\pi \cdot n} \quad (3)$$

(3) формулага биноан, мато қалинлигини, мато кесимларининг маълум бир кенглиги ичидаги бахялар сонини ҳисобга олган ҳолда, тенг мустаҳкамликни таъминлаш шарти асосида кийим қисмларини бирлаштирганда ҳосил бўладиган бахя учун ип диаметри қийматини тахмин қилиш мумкин.



**6-расм. Икки чокли паралел баҳяқаторли ипли бирикмани узилиш кучланиши бўйича текшириш**

Таранглик ҳолатини кўрсатиш учун битта баҳя узунлигидаги материал тасмаси кўриб чиқилган, у бирлик кенлиги бўйича  $P$  ҳаракатлари билан тенг равишда чўзилган (7-расм). Эластикликнинг математик назариясида келтирилган асосий тахминларга мувофиқ матони эластик ва изотроп деб ҳисоблаймиз.



**7-расм.  $P$  кучга эга бўлган марказий думалоқ тешикли ва чизиқли тангенциал кучланиш ўзгаришининг диаграммаси:**

- а) бирлик кенлигига тенг равишда;**
- б)  $\sigma_\theta$  тешикларнинг чегараси бўйлаб**

Махсус кийим деталларининг ип билан боғланишидаги кучланиш ҳолатини баҳолашнинг математик модели қуйидагича:

$$\left. \begin{aligned} \sigma_r &= \frac{p}{2} \left(1 - \frac{a^2}{r^2}\right) - \frac{p}{2} \left(1 - \frac{3a^4}{r^4} - \frac{4a^2}{r^2}\right) \cos 2\theta \\ \sigma_\theta &= \frac{p}{2} \left(1 + \frac{a^2}{r^2}\right) - \frac{p}{2} \left(1 + \frac{3a^4}{r^4}\right) \cos 2\theta \\ \tau_{r\theta} &= -\frac{p}{2} \left(1 - \frac{3a^4}{r^4} + \frac{2a^2}{r^2}\right) \sin 2\theta \end{aligned} \right\} (4)$$

Шундай қилиб, тенг қувватли ипли бирикмалар назарияси ишлаб чиқилган бўлиб, унга биноан, агар тикилаётган матонинг мустаҳкамлиги ҳосил бўлган чокдаги ипларнинг мустаҳкамлигидан сезиларли даражада катта бўлса, ташқи юклама чокдаги ипларнинг узилишига олиб келади. Агар иплар мустаҳкамлиги мато мустаҳкамлигидан устун бўлса, заифлашган кесимда материалнинг маҳаллий емирилиши юзага келади, яъни игна чокларни ҳосил қилган тешиклар катталашиб кетади. Фақатгина мато ва иплар мустаҳкамлиги тенг бўлган шартда чокдаги иплар ҳам, мато ҳам бутунлигича қолади. Шунинг учун, технологик тизимда ипли бирикмаларнинг тенгмустаҳкамлик шартини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқилган математик моделлар лойиҳалаш босқичида ипли бириктирма чокларнинг мустаҳкамлик параметрларини баҳолаш ва махсус кийим деталларини мустаҳкам тикув чоклар билан бириктиришга имкон беради. Бунда: F юкланишнинг экспериментал йўл билан аниқланган қиймати танда ва арқоқ бўйича : 601/432; 693/518; 686/591, H, матонинг мустаҳкамлик чегараси қийматлари эса :  $\sigma_p = 8.54/6.14$ ;  $\sigma_p = 9.84/7.36$ ;  $\sigma_p = 9.74/8.39$  Н/мм<sup>2</sup> ни ташкил этади.

Диссертациянинг **Қишлоқ хўжалиги ишчилари махсус кийимини ишлаб чиқишга қўйиладиган талабларини шакллантириш** деб номланган учинчи боби қишлоқ хўжалиги ишчиларининг меҳнат шароитларини, махсус кийимга хавfli ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсири топографиясини ўрганиш, меҳнат жараёнида энг кўп бажариладиган ҳаракатларни инобатга олган ҳолда эргономик изланишлар ўтказиш ва махсус кийимга қўйиладиган талабларни шакллантиришга бағишланган.

Изланишлар кўрсатдики, қишлоқ хўжалиги ишчиларининг кийимнинг зарарланиши характери уларнинг фаолияти турига боғлиқ. Лекин шуни таъкидлаш керакки, барча фаолият турлари учун куртканинг тақилмаси, олд деталлари ўрта қисми, енгининг тирсак ва пастки қисмлари, шимнинг эса тизза ва пастки қисмлари тез ифлосланади ва йиртилади.

Лойиҳаланиётган махсус кийимни асосий тавсифларини танлаш ва асослаш мақсадида истеъмолчилар ўртасида анкетали сўров ўтказилди. Респондентлар сифатида махсус кийим истеъмолчилари танлаб олинди.

|   |  |   |
|---|--|---|
|                            |  |   |
| <p><b>8-расм. Махсус кийим хусусиятлари аҳамиятлилиги бўйича респондентлар фикрлари тақсимланиши</b></p>      |  | <p><b>9-расм. Кийимнинг тури бўйича респондентлар фикрлари тақсимланиши</b></p>       |
|                            |  |   |
| <p><b>10-расм. Махсус кийимни эксплуатацион кўрсаткичлари бўйича респондентлар фикрининг тақсимланиши</b></p> |  | <p><b>11-расм. Махсус кийим ранги бўйича респондентлар фикрининг тақсимланиши</b></p> |

Респондентларнинг фикрларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики (8-11-расм) ёзги махсус кийим материаллари учун энг муҳим гигиеник хусусиятлар—бу ҳаво ўтказувчанлик, гигроскопиклик, намликни шимиши ва буғ ўтказувчанликдир. Кўпчилик респондентлар куртка ва шимдан иборат костюм комплектини энг қулай, деб ҳисоблашди, махсус кийимнинг хоссаларидан биринчи ўринда ҳимоя, иккинчи ўринда қулайлик, учинчи ўринда мустаҳкамлик хоссалари устуворлиги кўрсатилди; ранглар борасида истеъмолчилар тўқ рангларни танлашди.

Изланишларнинг кейинги босқичида эргономик тадқиқотлар ўтказилди. Ўтказилган эргономик тадқиқотлар натижасида қишлоқ хўжалиги ишчиларининг кундалик меҳнат жараёнида энг кўп бажариладиган ҳаракатлари танлаб олинди ва ушбу ҳаракатлар асосида тана ўлчамлари қийматининг энг катта ўзгаришига олиб келувчи тўртта характерли ҳолатлар аниқланди.

| <table border="1"> <caption>Эргономик ҳолатлар</caption> <thead> <tr> <th>Ҳолат</th> <th>Қиймат</th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td>А</td> <td>6</td> </tr> <tr> <td>Б</td> <td>6</td> </tr> <tr> <td>В</td> <td>4.5</td> </tr> <tr> <td>Г</td> <td>3.5</td> </tr> </tbody> </table> | Ҳолат  | Қиймат | А | 6 | Б | 6 | В | 4.5 | Г | 3.5 | <table border="1"> <caption>Эргономик ҳолатлар</caption> <thead> <tr> <th>Ҳолат</th> <th>Қиймат</th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td>А</td> <td>10</td> </tr> <tr> <td>Б</td> <td>11.5</td> </tr> <tr> <td>В</td> <td>12</td> </tr> <tr> <td>Г</td> <td>10.5</td> </tr> </tbody> </table> | Ҳолат | Қиймат | А | 10 | Б | 11.5 | В | 12 | Г | 10.5 |
|---|--|--------|---|---|---|---|---|-----|---|-----|---|-------|--------|---|----|---|------|---|----|---|------|
| Ҳолат   | Қиймат   |        |   |   |   |   |   |     |   |     |   |       |        |   |    |   |      |   |    |   |      |
| А   | 6  |        |   |   |   |   |   |     |   |     |   |       |        |   |    |   |      |   |    |   |      |
| Б   | 6  |        |   |   |   |   |   |     |   |     |   |       |        |   |    |   |      |   |    |   |      |
| В   | 4.5  |        |   |   |   |   |   |     |   |     |   |       |        |   |    |   |      |   |    |   |      |
| Г   | 3.5  |        |   |   |   |   |   |     |   |     |   |       |        |   |    |   |      |   |    |   |      |
| Ҳолат   | Қиймат   |        |   |   |   |   |   |     |   |     |   |       |        |   |    |   |      |   |    |   |      |
| А   | 10   |        |   |   |   |   |   |     |   |     |   |       |        |   |    |   |      |   |    |   |      |
| Б   | 11.5   |        |   |   |   |   |   |     |   |     |   |       |        |   |    |   |      |   |    |   |      |
| В   | 12   |        |   |   |   |   |   |     |   |     |   |       |        |   |    |   |      |   |    |   |      |
| Г   | 10.5   |        |   |   |   |   |   |     |   |     |   |       |        |   |    |   |      |   |    |   |      |
| <p><b>12–расм. «Орқа бел узунлиги» ўлчов белгисининг ўзгариши</b></p>   | <p><b>13–расм. «Орқа елка кенглиги» ўлчов белгисининг ўзгариши</b></p>                                 |        |   |   |   |   |   |     |   |     |   |       |        |   |    |   |      |   |    |   |      |
| <table border="1"> <caption>Эргономик ҳолатлар</caption> <thead> <tr> <th>Ҳолат</th> <th>Қиймат</th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td>А</td> <td>7</td> </tr> <tr> <td>Б</td> <td>7</td> </tr> <tr> <td>В</td> <td>7</td> </tr> <tr> <td>Г</td> <td>8.5</td> </tr> </tbody> </table>   | Ҳолат  | Қиймат | А | 7 | Б | 7 | В | 7   | Г | 8.5 | <table border="1"> <caption>Эргономик ҳолатлар</caption> <thead> <tr> <th>Ҳолат</th> <th>Қиймат</th> </tr> </thead> <tbody> <tr> <td>А</td> <td>2</td> </tr> <tr> <td>Б</td> <td>13</td> </tr> <tr> <td>В</td> <td>11</td> </tr> <tr> <td>Г</td> <td>1</td> </tr> </tbody> </table>       | Ҳолат | Қиймат | А | 2  | Б | 13   | В | 11 | Г | 1    |
| Ҳолат   | Қиймат   |        |   |   |   |   |   |     |   |     |   |       |        |   |    |   |      |   |    |   |      |
| А   | 7  |        |   |   |   |   |   |     |   |     |   |       |        |   |    |   |      |   |    |   |      |
| Б   | 7  |        |   |   |   |   |   |     |   |     |   |       |        |   |    |   |      |   |    |   |      |
| В   | 7  |        |   |   |   |   |   |     |   |     |   |       |        |   |    |   |      |   |    |   |      |
| Г   | 8.5  |        |   |   |   |   |   |     |   |     |   |       |        |   |    |   |      |   |    |   |      |
| Ҳолат   | Қиймат   |        |   |   |   |   |   |     |   |     |   |       |        |   |    |   |      |   |    |   |      |
| А   | 2  |        |   |   |   |   |   |     |   |     |   |       |        |   |    |   |      |   |    |   |      |
| Б   | 13   |        |   |   |   |   |   |     |   |     |   |       |        |   |    |   |      |   |    |   |      |
| В   | 11   |        |   |   |   |   |   |     |   |     |   |       |        |   |    |   |      |   |    |   |      |
| Г   | 1  |        |   |   |   |   |   |     |   |     |   |       |        |   |    |   |      |   |    |   |      |
| <p><b>14–расм. «Орқа қўлтиқ ости бурчагидан билак айланасигача бўлган масофа» ўлчов белгисининг ўзгариши</b></p>  | <p><b>15–расм. «Бел чизиғидан думба ости нуқтасигача бўлган масофа» ўлчов белгисининг ўзгариши</b></p> |        |   |   |   |   |   |     |   |     |   |       |        |   |    |   |      |   |    |   |      |

12-15-расмлардан кўриниб турибдики, «Орқа бел узунлиги» ўлчов белгиси 3,33 см дан 5,95 см гача, «Орқа елка кенглиги» ўлчов белгиси 9,81 см дан 11,81 см гача, «Орқа қўлтиқ ости бурчагидан билак айланасигача бўлган масофа» 6,78 см дан 8,18 см гача, «Бел чизиғидан думба ости нуқтасигача бўлган масофа» 0,93см дан 12,41 см гача диапазонда ўзгаради. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида аниқланган динамик эффектлар асосида махсус кийимнинг оптимал конструктив параметрлари танланди.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги ишчиларининг меҳнат шароитларини таҳлил қилиш, эргономик тадқиқотлар натижалари, мавжуд кийим турларини таҳлил қилиш ва истеъмолчилар фикрларини аниқлаш асосида махсус кийимга қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг **Қишлоқ хўжалиги ишчилари махсус кийими рационал конструкцияси ва самарали ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш** деб номланган тўртинчи бобида олиб борилган тадқиқотлар асосида қишлоқ хўжалиги ишчилари махсус кийимининг янги моделлари тўплами «CorelDraw» компьютер график дастури асосида ишлаб чиқилди.




**16-расм. Қишлоқ хўжалиги ишчилари учун махсус кийим моделлари тўплами**

Қишлоқ хўжалиги ишчилари махсус кийимининг рационал конструкциясини ишлаб чиқиш учун турли мўлжалланишдаги махсус кийимлар куртқасининг «енг-ўмиз» тугунининг конструктив ечимларининг қиёсий таҳлили ўтказилди. Танланган буюмлар (2-жадвал) нинг конструктив хусусиятларини ўрганиш мақсадида эргономик изланишлар олиб борилди,







**17-расм. «Енг-ўмиз» конструктив тугуни элементларининг ўзаро таъсири:  
а)-махсус кийимда; б)-миллий кийимда**

Иزلанишлар натижасида энг яхши ташқи динамик мослик кўрсаткичларига миллий кийим конструкцияси эга эканлиги аниқланди. Миллий кийим бичимининг юқори динамик кўрсаткичлари кийимнинг инсон танасига нисбатан энг максимал силжиши ҳудудида-орқа кенглигида В вектор йўналиши бўйича материал танқислиги сезилмаслиги билан изоҳланади (17-расм). Ушбу ижобий ҳолат янги лойиҳаланаётган махсус кийимнинг «енг-ўмиз» конструктив тугунида чуқурлаштирилган энг ўмизи учун яхлит бичилган хиштакли энг қўлланилди.

Махсус кийимнинг базали конструкцияси куришда конструктив қўшимчалар қиймати инсон гавдаси ўлчамларининг динамикадаги ўзгариши ва энг кўп бажариладиган эргономик ҳолатларда кийим ўлчамларининг динамикада ўзгаришидан келиб чиққан ҳолда аниқланди. Махсус кийимнинг куртка ва шимдан иборат базали конструкцияси ўртача размер-бўй (170-100-88) учун Richrease Cad system дастури ёрдамида қурилди.

Махсус кийим комплектлари эксплуатациялашда янада қулайроқ бўлиши учун бир қатор ўзгаришлар киритилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

**курткада:**

танланган тикув буюмларининг конструкцияларининг қиёсий таҳлили асосида кийимнинг кўкрак айланасига бериладиган қўшимча ҳақ қиймати инсон гавдаси ўлчамларининг динамикадаги ўзгаришига қараб, энг кўп бажариладиган эргономик ҳаракатлар, кийим ўлчамларининг динамикада ўзгаришидан келиб чиққан ҳолда аниқланди ва 16 см миқдорда қабул қилинганлиги;

замонавийлик ва миллий анъаналарни бирлаштирувчи, иш жараёнида ҳаракатлар эркинлигини ва юқори динамик кўрсаткичларни (ишлаш қулайлигини) таъминловчи чуқурлаштирилган энг ўмизи ва яхлит бичилган хиштакли энгбичими қўлланганлиги;

енг ўмизи чуқурлиги 30 см миқдорда қабул қилинганлиги;

кийимнинг орқа ва энг ўмизи кенгликлари йиғиндисига тенг конструктив участка кенлиги ( $Ш_{сп}+Ш_{пр}$ )=41,6 см қабул қилинганлиги;

иссиқ иқлим шароитида ишлаганда кийим ости қатлами вентиляциясини таъминлаш мақсадида олд ва орқа кокеткалар чизиклари бўйлаб вентиляцияцион

тешикларининг мавжудлиги, кокеткалар остида вентиляцияон тўр ва енгларни қўлтиқ ости худудида вентиляцияон блочкалар қўлланганлиги;

ишчиларнинг меҳнат жараёнида бажарадиган ҳаракатлар натижасида кийим орқа деталида зўриқишлар пайдо бўлишини олдини олиш мақсадида куртканинг орқа детали марказида чуқурлиги 4 см га тенг бўлган қарама-қарши тахламаларни киритилиши, унинг эргономик функцияларини яхшиланиши, шунингдек курткadan фойдаланиш пайтида маҳсулот ҳажмини кўкрак чизиғи бўйича ўзгартириш имкониятини таъминланиши;

**шимда:**

эргономик нуқтаи назардан қулайлигини ошириш мақсадда шимнинг бел қисми олд ён чизиғи ва орт бўлак ўтириш чизиғи бўйича 2 см га кенгайтирилганлиги, белбоғнинг орқа қисми эластик тасма билан ишланганлиги;

|   |   |
|---|---|
|   |   |
| <p align="center"><b>18-расм. Қишлоқ хўжалиги ишчилари (эркаклар) махсус кийими конструкцияси</b></p> | <p align="center"><b>19-расм. Қишлоқ хўжалиги ишчилари (аёллар) махсус кийими конструкцияси</b></p> |


шимнинг олд тизза қисмида функционал ҳимоя қопламаларни қўлланганлиги, иш вақтида чўкка ўтириб ишлаш ҳолатини инobatга олган ҳолда тизза қисмида тизза маркази чизиғидан 15 см юқорида ва пастда ён чокларда ҳажми 0,75 см га тенг виточкалар мавжудлиги, бунинг ҳисобидан олд бўлак узунлиги 1,5 см га оширилганлиги;

шимнинг олд қисмида функционал қоплама чўнтаklarининг мавжудлиги.


Мазкур ишда олиб борилган тадқиқотлар натижаси асосида қишлоқ хўжалиги ишчилари учун махсус кийим ишлаб чиқилди, унинг конструктив ечимининг янгилиги саноат намунасига патент билан тасдиқланган (№ SAP 01949 «Қишлоқ хўжалиги ишчилари учун махсус кийим» 28.11.2019).

Юқори динамик мосликни таъминловчи иссиқ иқлим шароитлари учун мўлжалланган махсус кийимни конструктив параметрларини оптималлаштириш учун тўлиқ факторли эксперимент (ПФЭ 2<sup>3</sup>) ўтказилди (20-22 расмлар). Олинган моделларнинг ўрганилаётган жараёнга адекватлиги, факторларнинг ўзаро таъсирларни ҳисобга олган ҳолда, Фишер критерияси бўйича амалга оширилди. *F*-мезоннинг жадвали ва ҳисобланган қийматларини таққослаш аниқланган моделларнинг ўрганилаётган жараёнга адекватлиги 0,95 ишонч эҳтимоллиги билан мос келишини кўрсатди.


Олинган моделлар юқори даражадаги динамик мувофиқликни таъминловчи махсус кийимнинг оптимал конструктив параметрларини аниқлаш учун ишлатилди. Аниқланган оптимал қийматлар иссиқ иқлим шароитида очиқ майдонда ишлайдиганлар қишлоқ хўжалиги ишчилари учун махсус кийимни конструкция база асосини ишлаб чиқиш учун ишлатилди.



20-расм. Енг ўмизининг турли чуқурлиги қийматларида инсоннинг қўл ҳаракатлари эркинлигини ўзгариш графиги



21-расм. Кўкрак чизиғи бўйича қўшимча ҳақ қиймати ўзгаришида инсоннинг қўл ҳаракатлари эркинлигини ўзгариш графиги




**22-расм. Кийимнинг орқа ва энг ўмизи кенгликлари йиғиндисига тенг конструктив участка кенглиги ( $Ш_{сп}+Ш_{пр}$ ) қиймати ўзгаришига инсоннинг қўл ҳаракатлари эркинлигинининг ўзгариш графиги**

Шундай қилиб, тўлиқ омилли тажрибалар асосида, махсус кийимнинг конструктив параметрларининг оптимал қийматлари аниқланди. Умумий графиклар таҳлили ва олинган регрессия тенгламалари кўрсатадики, махсус кийим куртқасининг инсонни қўл ҳаракатлари эркинлигини таъминловчи конструктив параметрларининг қуйидаги қийматлари мақбул ҳисобланади: кийимнинг энг ўмизи чуқурлигига  $V_{пр}=30$  см, кийимнинг кўкрак айланасига бериладиган қўшимча ҳақ қиймати  $\Pi_r=16$  см, кийимнинг орқа ва энг ўмизи кенгликлари йиғиндисига тенг конструктив ҳудуд кенглиги  $(Ш_{сп}+Ш_{пр})=41,6$  см.

Топилган оптимал қийматларда баҳолаш мезонининг қиймати, яъни, махсус куртқанинг инсонни қўл ҳаракатлари эркинлиги  $\alpha = 137,8^\circ$  ни ташкил этди, бу эса яхши динамик кўрсаткич ҳисобланади.

Махсус кийимнинг мустаҳкамлигини таъминлаш учун чокнинг конструкцияси, қисмларини улаш усуллари ва параметрлари катта аҳамиятга эга. Тадқиқотнинг кейинги босқичида чокларнинг мустаҳкамлигини аниқлаш учун тахминан бир хил қалинликка эга бўлган матоларнинг узиш юкламаларини ўрганиш бўйича изланишлар амалга оширилди. Изланишлар икки турдаги бириктирув тикув чоклари-моки ва занжирсимон бахяқаторли чоклар асосида амалга оширилди.


**Узиш юкласи, N**



**23- расм. Мато қалинлигининг чоклар узиш юкласига боғлиқлиги**

**Узиш юкласи, N**

**Узиш юкласи, N**



23-25-расмлардан кўришиб турибдики, энг яхши кўрсаткичларга 1, 3 ва 5 намуналар эгадир. Ўтказилган синовлар натижасида матоларнинг нархи, сифати ва чоклар билан тенг мустаҳкамлик шартини бажариши нуқтаи назардан «Мультикам» матоси (5-намуна) бошқа матолардан устун, деб хулоса қилинди.

Тавсия этилган рационал конструкция ва самарали ишлаб чиқариш технологияси асосида «AL-NAKIM PLUS» МЧЖ, «SHOFIRKON EKVATORIAL TEKS» МЧЖ, «OKEAN-LYUKS» МЧЖ (Бухоро вилояти) ва «AZR-TEXTILE GROUP» МЧЖ (Тошкент шаҳри) тикувчилик корхоналарининг шароитида махсус кийим синов партияси ишлаб чиқарилди. Янги махсус кийимни ишлаб чиқаришга жорий этишдан йиллик иқтисодий самара 531564485сўмни ташкил этган.

Ишлаб чиқилган махсус кийимларнинг реал шароитларда тадбиқ этиш синовлари 12 ой давомида 2020 йил 02 апрелдан 02 октябргача ва 2021 йил 20 мартдан 20 августгача Бухоро вилоятининг Когон ва Бухоро туманлари фермерлик хўжаликларида ўтказилди. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида янги махсус кийимнинг ҳимоя ва гигиеник хоссалари бутун тажриба-синов жараёнида сақланиб туриши, материалнинг кўп ишқаланадиган ва механик таъсирларига дуч келадиган жойлари 12 ой давомида етарли мустаҳкамликга эkanлигини, махсус кийим конструкцияси эса ишчиларга эркинлик ва қулайлик таъминлаши аниқланди.

## ХУЛОСА

«Ўзбекистон агросаноат комплекси ишчилари махсус кийимининг рационал конструкциясини тадқиқ қилиш ва яратиш» мавзусида олиб борилган тадқиқот иши бўйича қуйидаги хулосаларга эришилди:

1. Ўзбекистон бозоридаги махсус кийимларни ишлаб чиқариш бўйича мавжуд вазиятни ўрганиш асосида махсус кийим моделлари мақсадли лойиҳалаш асосида бажарилмаган ва замонавий махсус кийимларга

қўйиладиган талаблар мажмуини- ишончли ҳимоя, қулайлик, комфортлик ва чиройли кўриниш каби талабларни ҳисобга олмаганлиги аниқланган;

2. Махсус кийим сифатига таъсир этувчи ипли бирикмали чокларнинг юкланишлар таъсирида бузилишининг таҳлили асосида махсус кийим деталлари чокларининг таранглиги ҳолатини баҳолашнинг математик модели ишлаб чиқилган;

3. Ўтказилган эргономик тадқиқотлар натижасида қишлоқ хўжалиги ишчиларининг кундалик меҳнат жараёнида энг кўп бажариладиган ҳаракатлари танлаб олинган ва ушбу ҳаракатлар асосида тана ўлчамлари қийматининг энг катта ўзгаришига олиб келувчи характерли ҳолатлар аниқланган;

4. Махсус кийимни рационал конструкциясини ишлаб чиқишда эргономик изланишлар натижасида аниқланган ўлчов белгиларнинг ўзгаришини эътиборга олиниб, уларни оптимал қийматларини танланган, бунинг натижасида ишчилар ҳаракатларининг эркинлигини, кийим қулайлиги ва комфортлиги таъминланган;

5. Иссиқ иқлим шароитлари учун мўлжалланган махсус кийимни конструктив параметрларини оптималлаштириш мақсадида тўлиқ факторли эксперимент (ПФЭ)  $2^3$  ўтказилган, олинган математик моделлар юқори даражадаги динамик мувофиқликни таъминловчи махсус кийимнинг оптимал конструктив параметрларини аниқлаш учун ишлатилган;

6. Реал шароитларида ўтказилган синовлар жараёнида махсус кийимнинг ҳимоя хоссалари бутун тажриба жараёнида сақланиши, кўп ишқаланадиган ва механик таъсирларига дуч келадиган жойлари 12 ой давомида етарли мустаҳкамликга эга эканлигини, махсус кийим конструкцияси эса ишчиларга эркинлик ва комфортлик таъминлаши аниқланган;

7. Тавсия этилган конструкция «AL-NAKIM PLUS» МЧЖ, «SHOFIRKON EKVATORIAL TEKS» МЧЖ, «OKEAN-LYUKS» МЧЖ (Бухоро вилояти) ва «AZR-TEXTILE GROUP» МЧЖ (Тошкент шаҳри) тикувчилик корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этилган. Тадқиқот натижаларини саноатга жорий этишнинг иқтисодий самарадорлиги моддий ресурсларни тежаш орқали аниқланган ва бир йилга 531564485 сўмни ташкил этган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

---

**БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**БЕБУТОВА НАРГИЗА НАРЗУЛЛАЕВНА**

**ИССЛЕДОВАНИЕ И РАЗРАБОТКА РАЦИОНАЛЬНОЙ КОНСТРУКЦИИ  
СПЕЦИАЛЬНОЙ ОДЕЖДЫ ДЛЯ РАБОТНИКОВ  
АГРОПРОМЫШЛЕННОГО КОМПЛЕКСА УЗБЕКИСТАНА**

**05.06.04 – Технология швейных изделий и дизайн костюма**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент -2021**





## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время 70 % экспорта одежды в мире приходится на страны Европейского Союза, США, Южную Корею, Турцию, Китай. В мире одно из ведущих мест занимает применение инновационных технологий и технических средств, основанных на эффективном использовании современных достижений науки и техники в легкой промышленности. Во всем мире спрос на производство высококачественной продукции легкой промышленности высок, поэтому повышение качества и конкурентоспособности современных швейных изделий, расширение их ассортимента, разработка основ эргономического проектирования одежды специального назначения, повышение эффективности их производства и улучшение показателей качества имеет важное значение.

При производстве швейных изделий во всём мире проводятся научно-исследовательские работы, направленные на производство научно обоснованных методов и технологий на основе выявления важных факторов, влияющих на технологические процессы. В связи с этим, особое внимание уделяется созданию новых видов одежды, разработке высококачественной и конкурентоспособной специальной одежды с учетом эргономических требований, разработке её технологических параметров, основанных на научных закономерностях и совершенствованию системы показателей их качества.

В нашей Республике предпринимаются масштабные меры по разработке технологий, позволяющих увеличить объемы производства швейных изделий и виды выпускаемой продукции, и достигаются определенные результаты. В Стратегиях Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы от 7 февраля 2017 года были намечены важные задачи, в частности, «... повышение конкурентоспособности национальной экономики за счет создания экономически эффективной продукции, пользующейся спросом, с внедрением новых современных технологий, а также эффективного использования отечественного сырья..»<sup>1</sup>. При реализации этих задач, большое значение имеет создание высококачественной специальной одежды для работников различных отраслей производства нашей страны, обладающей хорошими гигиеническими, эргономическими и эксплуатационными свойствами.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан № УП-5285 от 14 декабря 2017 года «О мерах по ускоренному развитию текстильной и трикотажно-швейной промышленности», Указом № ПП-4453 от 16 сентября 2019 года «О мерах по дальнейшему развитию легкой промышленности и стимулированию производства готовой продукции», Указом № 4186 от 12 февраля 2019 года “О мерах по

<sup>1</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан № 4947 от 7 февраля 2017 года "О Стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на период 2017-2021 годы "

дальнейшему углублению реформ и расширению экспортного потенциала текстильной и швейно-трикотажной промышленности» и других нормативных актах, относящихся к данной деятельности.

**Актуальность исследования для приоритетных направлений развития науки и техники Республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики II. «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

**Степень изученности проблемы.** Анализ литературы, связанной с данным исследованием, показал, что вопросами формирования системного подхода к проектированию одежды различного назначения, разработки и исследования изделий в соответствии с критериями и принципами системы «человек-одежда -внешняя среда» за рубежом занимались учёные С.Mattmann, W.Nazaroff (США), Y.Maganga (Хорватия), F.Kim, H.Honglun, S.Sougian, P.Yunhe, Jiaqing Zhang, Liu Chi, R. Kennon, Y. Cui, W.Chang, Q.J. Jiang, H.Dai (Китай), Leite da Silva, J.E.G. Santos (Бразилия), А.В. Вадковская, Р.Ф.Афанасьева, П.П Кокеткин, З.С.Чубарова, И.В. Черунова, И.В. Куренова (Россия) и др.

Исследованиями по разработке специальной одежды для рабочих различных отраслей производства, основанных на принципах эргономичного проектирования проводились учёными Z. Dragcevic, S.F. Rogale, O.Huck, В.Е. Романовым, М.И. Сухаревым, Е.Я.Сурженко, Г.А. Ганиевой, Б.Р. Рыскуловой, А.А.Изтаевой, Н.Р.Фазилбаевой и другими. В нашей Республике вопросами проектирования одежды специального назначения для климатических условий Узбекистана занимались учёные Х.Х.Камилова, Ф.У.Нигматова, С.У.Пулатова, А.Б.Косимова и другие.

Хотя в результате этих исследований был достигнут и используется определенный уровень положительных результатов в создании рациональной целостной системы защиты человека от экстремальных температур, но исследования по проектированию специальной одежды, учитывающей климатические условия Узбекистана и особенности труда работников сельского хозяйства, проведены недостаточно.

